*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
10 март
ШАНБА

№ 20
(12.448)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ПИСКЕНТ ТУМАНИ

## ЭЪТИБОРДА ГАП КЎП

**"Бекобод" маҳалласида "Эрта никоҳнинг олдини олиш" мавзусида суҳбат бўлиб ўтди.**

Унда туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар қўмитаси, ФҲДЁ бўлими ходимлари, жоме масжиди имом хатиби, маҳалла раислари ҳамда фаоллар иштирок этди.

Тадбир давомида бу йил бажарилиши лозим бўлган ишлар, мактаб ва коллеж ёшларини назоратсиз қолдирмаслик, эрта никоҳ қуриш оқибатлари, қизларнинг кийиниш маданияти ҳақида сўз борди. Маҳалла аҳли ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

## ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАДИ

**"Митан" маҳалласида ёшлар тарбиясига бағишлаб йиғилиш ўтказилди.**

Унда туман жомеъ масжиди, ФҲДЁ бўлими вакиллари, шифокорлар, ота-оналар ҳамда мактаб ўқувчилари қатнашди.

Тадбирда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари, қизлар тарбияси, қариндошлар орасидаги никоҳ, эрта турмуш қуриш оқибатлари тўғрисида маърузалар тингланди.

Савол-жавоб тарзида ўтган тадбирда маҳалланинг тажрибали кексалари, мутахассислар барчани огоҳликка чорлади.

### ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## СИНОВДАН ЎТДИЛАР

**14-умумтаълим мактабида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари учун семинар-тренинг ташкил этилди.**

Унда ташкилотнинг республика етакчи ёшлар маркази мураббийлари, вилоят етакчилари ҳам иштирок этди.

Семинарда ташкилотнинг янги низоми таништирилиб, етакчиларнинг интеллектуал салоҳияти синовдан ўтказилди.

**Ирода МАҚСУДОВА.**

### ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## НАВРЎЗ ТАДОРИГИ

**Баҳор бошлангани муносабати билан вилоят туман ва шаҳарларида наврўзолди ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.**

4-умумтаълим мактаби атрофи чиқиндилардан тозаланди, ариқ ва зовурлар маҳалла ёшлари иштирокида тозаланиб, дарахт ва арча кўчатлари экилди.

Ободонлаштириш ишлари Зангиота туманидаги 47-, 25-мактабларда ҳам ўтказилди. Наврўз айёмига қизғин тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

### ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



# ФЕРМЕРГА... ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ

**Киши эр етиб, тайинли бир касбнинг бошини тутгунча, ўзини унга-бунга уриб кўриши табиий ҳол. Абдуваҳоб ҳам бошида Тошкент юридик техникумини битирди-ю, лекин кўнгли тўлмади, соҳада қўним топмади. Бунга катта деҳқон оиласида туғилиб ўсгани сабаб бўлса ажаб эмас.**

Отаси Абдураҳмон Холмирзаев уста деҳқон, вилоятга танилган пахтакор бўлган. Илгариги жамоа хўжаликларида бригада бошлиғи, бўлим бошқарувчи бўлиб ишлаб, катта обрў-эътибор қозонган. Кўпинча отасининг кетидан эргашиб юрадиган Абдуваҳобни ўша кенг далалар ҳамон ўзига чорлашни қўймасди. Охири дала сеҳри, деҳқончилик меҳри устун келди. Қолаверса, ўзи таниган-билган фермерларнинг эл орасидаги нуфузи, ҳавас қилгулик турмуш тарзи уни руҳлантирди. Ниҳоят бир тўхтамга келиб, фермерликни танлади.

Шундай қилиб, 2006 йилда Бекобод туманида яна бир янги "Шоҳруҳбек-Шаҳзодбек" фермер хўжалиги вужудга келди. Абдуваҳоб Холмирзаев 10-12 чоғли аъзо билан 29,1 гектар майдонда иш бошлади.

– 2009 йили фермер хўжаликлари ерини оптималлаштириш мақсадида ўтказилган тендерда қатнашиб, экин майдонларимизга яна 33,1 гектар ер қўшдик, – дейди А. Холмирзаев. – Энди 62,2 гектар ерда 21 кишидан иборат жамоамиз билан пахта ва ғалла етиштираяпмиз. 26 гектар майдондаги буғдойнинг ривожи яхши.

Экинларини яшнатган фермернинг ўзи ҳам яхши яшайди. Масалан, ўтган йилни фермер хўжалиги 25 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Деҳқончиликдан келаётган яхлит-яхлит даромад хўжаликнинг техника паркини йилдан-йилга бутлаб бориш имконини бераяпти. Лизинг йўли билан ТТЗ-8011 чопиқ трактори харид қилинди. БТ-150 ҳайдов трактори ва бир нечта тиркамалар ўзларига етиб турибди.

– Балки, эшитганларга ғалати туюлар, – дейди Абдуваҳоб Холмирзаев, – бу йил хўжалигимиз қошида тикув цехи (!) очмоқчиман. Қишлоқда ҳар қанча ишчи кучи бўлса топилади. Экинтикиндан даромад келиб турибди. Тадбиркорлик учун ҳар томонлама йўл очиқ. Йўқдан бор қилиш, яъни тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, бозорни тўлдириш – асл тадбиркорлик. Фермер ўзи эплай оладиган соҳада тадбиркорликка ҳам қўл урса, нур устига нур. Қолаверса, бу менинг юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватлана бошлагандан буён кўнглимга тугиб юрган ниятим. Ҳозир шу эзгу ниятимни ҳам рўёбга чиқариш учун ҳамма шароитлар етилди.

**СУРАТДА:** Абдуваҳоб Холмирзаев.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

*дастур ва лойиҳалар ижроси учун ҳар биримиз чуқур масъулият ҳис қилиб ишлашимизга боғлиқ*

Сўнгги бир йилда вилоятимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган барча дастурлар доирасида 168,2 миллиард сўм ва 93,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоялар ўзлаштирилди. 454 та янги ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилиб, 8 мингга яқин иш ўрни яратилди. Барча мулк шаклидаги хўжаликлар 2 триллион 657,9 миллиард сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, 6,6 фоиз ўсишга эришди.

– Қишлоқ хўжалигида жаҳонни молия-иқтисодий танглик қамраб олган 2008 йилги даражага нисбатан 209,1 фоиз кўп маҳсулот етиштирилди, – деди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Анвар Абдуқодиров. – Бу, Ўзбекистон Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ўтган йилнинг асосий якунлари ва бу йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари хусусидаги маърузасида таъкидлаганидек, молия-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини бартараф этиш, оқибатларидан ҳимояланиш мақсадидаги чора-тадбирлар самарасидир.

**– 2010 йилнинг сўнгги кунларида давлатимиз раҳбарининг "2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида" ва "2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди. Вилоятимизда уларнинг ижроси қандай кечди?**

– Рақобатга бардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва турини кўпайтириш дастурлари изчил амалга оширилгани туфайли ўтган йили вилоятимиз шаҳар ва туманларида 91 та озиқ-овқат, 71 та ноозиқ-овқат маҳсулотлари, 40 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, 30 та қурилиш материаллари, 222 та қишлоқ хўжалик корхоналари ишга туширилди. Уларнинг 34 таси амалдаги дастурларга қўшимча барпо этилди. Жумладан, Бўстонлиқда "Осборн Текстил" хусусий корхонаси бўялган калава ип ишлаб чиқара бошлади. 31,5 миллион доллар миқдоридаги сармоя эвазига Зангиота туманида шприц ишлаб чиқарувчи "ASIA TRADE" қўшма корхонаси қурилди. Юқори Чирчиқ туманидаги "SERVIS-TIJORAT", "IXTIYOR QURILISH FAYZ", Қуйи Чирчиқ туманидаги "Улуғ-Жаҳон барака" корхоналарида бугун сендвич панеллар, ғишт ва қоғоз ишлаб чиқарилаётир.

**(Давоми 2-бетда).**

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

**Тошкентда "Баркамол авлодни тарбиялашда амалга оширилаётган ислоҳотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг роли ва вазифалари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси мутахассислари иштирок этди.

Семинарда баркамол авлодни тарбиялашда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ёшларнинг ақлан ва жисмонан ривожланишида спортнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, оилавий спортни ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари масъулиятини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда баркамол авлодни тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бу борада бажарилаётган ислоҳотларни профессионал даражада ёритиш журналистдан юксак маҳорат талаб этишига алоҳида урғу берилди.

**"Туркистон-пресс".**

### ТАШАББУС – 2012



# ТУМАН ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Мустаҳкам оила йилида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга эътибор ҳар қачонгидан кучайди. Зангиота туманида "Ташаббус – 2012" кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Илғор ҳунармандлар, хусусий тадбиркор ва фермерлар ўз ютуқларини намойиш қилишди. Пировардида ҳунармандчилик йўналиши бўйича Ортиқ Матмусаев, тадбиркорлик йўналиши бўйича "Дента фил+" корхонаси раҳбари Камол Қосимов, фермерлик йўналиши бўйича "Гулнора Наврўз Барака" фермер хўжалиги раҳбари Гулнора Одилбекова ғолиб деб топилди. Шунингдек, Рашид Алибоев "Энг яхши ёш ҳунарманд", Дилбар Муҳамедова "Энг яхши оилавий ҳунармандчилик", "Радиус-файз" масъулияти чекланган жамияти "Энг яхши солиқ тўловчи" йўналишлари бўйича биринчиликни эгаллашди.

Ушбу танловнинг Ўрта Чирчиқ туман босқичи ҳудудда тадбиркорлик, фермерлик, ҳунармандчилик жадал ривожланиб бораётгани ва улар эришаётган ютуқларнинг ёрқин намойишига айланди.

Биринчи ўринга муносиб деб топилган Саидолим Тўраев бошлиқ "Тонг" МЧЖ, Мурод Эгамбердиев раҳбарлигидаги "Эгамберди карвон" фермер хўжалиги ва ҳунарманд Толиб Моиловга кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмалар берилди.

Шунингдек, бошқа шаҳар ва туманларда ҳам танлов босқичлари бўлиб ўтмоқда.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**
**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**

**СУРАТДА:** танловнинг Зангиота туман босқичи ғолиблари.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

# ҲАР КЎНГИЛДА БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ

**Олмалиқдаги "Металлург" маданият уйи 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган турли соҳа вакиллари – фаол аёллар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди.**



Ўз соҳаларида энг юқори натижаларга эришган аёллар учун катта байрам дастури намойиш этилди. Шифокор, ўқитувчи, ижтимоий соҳа ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари, маданият ва санъат арбоблари, таниқли фермер, тадбиркор, спортчи ҳамда муносиб фарзанд ва набираларни тарбиялаб вояга етказган аёллар байрам баҳона дийдорлашиб, мириқиб маданий ҳордиқ чиқардилар.

– Сизлар бошқа минглаб хотин-қизларимиз қаторида ҳар куни жонажон Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида жуда муҳим ва зарур ишларни амалга оширмоқдасиз, – деди вилоят ҳокими Рустам Холматов. – Бугун мустақил Ўзбекистон хотин-қизлари исталган соҳада ўз истеъдодларини тўла намоён этишга қодирлар, оила чароғбонидек масъулиятли ва шарафли вазифани яратувчилик меҳнати билан уйғунликда олиб бориш салоҳиятига эгалар. Сизларнинг меҳнатингиз замирида янгиликлар кашф этиш ва яратиш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитишдек хайрли ишлар мужассам. Аммо, шу билан бир вақтда оиланинг саранжом-саришталигини ҳам ёдингиздан чиқармайсиз. Кўпчилигингиз узоқ йиллик машаққатли меҳнат йўлларини босиб ўтгансиз, бошқалар эса, шахсий бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида илк қадамларини қўйишаяпти. Бироқ, бошловчи мутахассислар ёш бўлишларига қарамай, ўз жамоаларида муносиб обрў-эътибор, ҳамкасбларининг самимий иззат-ҳурматларини қозонишга улгурдилар. Бир назар ташлайлик – қанчадан-қанча хотин-қизларимиз кейинги йилларда салоҳиятли фермер ва уста тадбиркорларга айланишди, мамлакатимиз ривожи учун муҳим бўлган кўплаб бошқа касбларни эгаллашяпти. Биз сизларни ҳар қачон ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Муҳтарам Юртбошимиз Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида таъкидлаганларидек, меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳамиша фидойилик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тимсоли сифатида улуғлаймиз ва умрбод сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз. Азиз аёллар, 8 март – баҳорий байрамингиз муборак бўлсин!

Маданият уйининг кенг зали байрамона безатилган. Чор атрофда анвоий гулдасталар, Аммо, ушбу тантанали кечанинг энг гўзал ва табиий безаги, сўзсиз, баҳордек очилиб-сочилган аёллар бўлишди. Ўз иш ўринларида алоҳида намуна кўрсатган хотин-қизларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

– 2012 йил – ҳар қандай давлат учун энг муҳим институт ҳисобланувчи оилаларни амалда ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш йили бўлиб қолади, – деди "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси Янгийўл туман таянч пункти раҳбари Зуҳра Ҳайдарова. – "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ ажратиладиган 1 триллион 500 миллиард сўм ва 114 миллион доллар маблағ аёллар турмушини фаровонлаштириш, соғлиқни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, шахсий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга сарфланади.

Байрам иштирокчиларини ўзбек эстрадаси усталари, Олмалиқ шаҳрининг болалар рақс жамоалари ажойиб концерт дастурлари орқали қутлашди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

АНЖУМАН

# ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамкорлигида "Ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзуида конференция бўлиб ўтди.**

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, ФВВ, ИИВ ёнғин хавфсизлиги Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармалари ходимлари, Олий ва ўрта ҳамда Халқ таълими вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, шунингдек, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ю. Турсунбоев, Ўзбекистон Республикаси ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи И. Йўлдошев ва Тошкент вилоят ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик бўйича биринчи ўринбосари С. Илҳомовнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасини молиявий, моддий-техник ва ресурслар билан таъминлаш ҳамда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан маърузалари тингланди.

Шунингдек, конференцияда бундан кейинги бажариладиган ишлар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Равшан ОМОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

БУГУННИНГ ГАПИ

**Сел ва сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда дарё ва сойлар, канал ва ариқларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, ўзанларини тўғрилаш, селхоналар ташкил этиш ҳамда кўприк ва бошқа иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис вилоят ҳокимининг махсус қарорида баҳор ва ёз мавсумида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар аниқ белгилаб берилди.**



# АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Айни пайтда вилоятдаги ҳар бир шаҳар ва туманда қирғоқларни, кўприк ва бошқа сув иншоотларини мустаҳкамлашда фавқулодда вазиятлар давлат тизими қуйи тузилмалари куч ва воситаларининг юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда ҳамкорликдаги ҳаракатини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган махсус тактик ўқув машқларининг аҳамияти катта бўлаяпти. Шу кунгача вилоятда саккиз марта тадбир ташкил этилиб, тупроқ, тош-шағал ва темир-бетон ишлари бажарилди.

Оҳангарон туманидаги Телов қишлоғи ҳудудидан ўтувчи Шовғозсой қирғоқларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган ўқув машқида тумандаги корхона ва ташкилотларнинг тўққизта техника воситаси ёрдамида 2500 куб метр тош-шағал ишлари бажарилиб, сув тошқини юз беришининг олди олинди.

Зангиота туманидаги Эркин қишлоғи ҳудудидаги "Қуёшли" маҳалласида айрим пайтлари узлуксиз ёмғир ёки жала ёғиши натижасида ҳосил бўладиган оқава сув хонадонларга хавф солиб келади. Бунинг олдини олиш мақсадида ўтказилган махсус тактик ўқув машқи давомида 11,5 метр узунликда қувур ётқизилиб, 60 куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Бунда шу ҳудуддаги барча ташкилотларнинг техника ва ишчи кучидан фойдаланилди.

Сел ва сув тошқини билан боғлиқ бундай тадбирларда аҳоли ҳам фаол иштирок этаяпти. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг ташаббуси билан аҳоли ички ариқларни тозаламоқда, кўприк ва қувурларни мустаҳкамлаш учун бетонлаштирилмоқда. Вилоят ҳокимининг "Фуқаро муҳофазаси ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги фармойишига асосан шу йилнинг 20 мартигача сел, сув тошқини ва кўчки ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар давом этади.

Ўйлаймизки, бу ишларда вилоят аҳолиси фаол иштирок этади. Зеро, амалга оширилаётган барча тадбирлар аҳоли хавфсизлиги, тинч ва фаровон ҳаётни таъминлашга қаратилган.

**Бахтиёр ЖАББОРОВ,**
**вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлинма бошлиғи.**



# ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида айтишга арзигулик ишлар қилинди. Зеро, демократиянинг умуминсоний тамойилларига асосланиш, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги Асосий қонунимизда ҳам белгилаб қўйилган. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратилаётган қулайлик ва шарт-шароитлар, ҳаётга татбиқ этилаётган қонунлар замирида ҳам инсон манфаатлари кўзланган.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши билиб-билмай жиноятга қўл урган, қилмишларидан пушаймон кишилар учун айни муддао бўлди. Улар ўз оилалари, ота-оналари, фарзандлари бағрига қайтдилар. Чирчиқ шаҳри ва Пискент туманида жазони ўтаб қайтган кишиларга ҳар томонлама ёрдам бериш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўринларини эгаллаб, ҳалол меҳнат қилишларига кўмаклашишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 6 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилиб, 3 нафари ишга жойлаштирилди. Шунингдек, уларга белгиланган тартибда моддий ёрдам кўрсатилди.

– Жазони ўтаган фуқароларимизнинг аксарияти ўзлари истаган ишга жойлашганларидан мамнунлар, – дейди туман ижтимоий мослашув маркази раҳбари Матлуба Абдурасулхонова. – Эндиликда биз уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ривожига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Бу каби ишларни Чирчиқ шаҳрида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилган шахсларга тегишли тартибда моддий-маънавий ёрдам берилмоқда. Меҳнатга лаёқатлилар турли корхона, идора ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Бириктирилган масъул шахслар ҳам уларнинг ишларини енгиллаштиришга кўмак бермоқдалар.

– Шаҳар ички ишлар бўлими, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда иш олиб борамиз, – дейди Чирчиқ шаҳар ижтимоий мослашув маркази раҳбари Алишер Абдуюсупов. – Озодликка чиқарилганлар ўртасида доимий назорат, тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб боришимиз, қайта жиноятлар содир этилишига барҳам берди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

**СУРАТДА:** Матлуба Абдурасулхонова туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази директор муовини Умид Шаропов билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Microsoft корпорацияси ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, ижтимоий соҳалар ҳамда таълим йўналишларига ахборот технологияларини жорий этишда ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирди. Ўзбекистонда дастурий маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни ҳамкорликда ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар битимни амалга ошириш доирасида Microsoft негизида яратиладиган ўзбек тилидаги дастурий маҳсулотларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, таълим соҳасида ҳамкорликдаги ташаббусларни татбиқ этиш, жумладан, Тошкент ахборот технологиялар университетида Microsoft ахборот-ресурс марказини яратишга келишиб олишди.

**"Туркистон-пресс".**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

**– Техника ва технологияларни модернизациялаш ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишига айланди. Анвар Абдуғафурович, бу борадаги дастурлар қандай бажарилаяпти?**

– Бир йилда 13 та йирик, 32 та кичик корхонада 526,4 миллиард сўмлик модернизациялаш ишлари бажарилди. Фақат йирик корхоналарда 27 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Шу жумладан, ОКМК очиқ акциядорлик жамиятида 9 та, "Ўзметкомбинат"да 3 та лойиҳа бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. "Бекободцемент", "Оҳангаронцемент", Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси, "Максам-Чирчиқ", Чирчиқ трансформатор заводи, Янгийўл ёғ-мой комбинати сингари корхоналарда техника ва технологияларни янгилаш маҳсулотлар турини кўпайтириб, сифатини ошириш, иш шароитларини яхшилаш имконини берди. Жумладан, ОКМКда Қалмоққир кони кенгайтирилиб, реконструкция қилинди, мис эритиш заводида кислота цехи қурилди. "Ўзметкомбинат"да эса, эскирган асбоб-ускуналар алмаштирилиб, мис ва латун фолгалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Максам-Чирчиқ"да карбамид ишлаб чиқариш қуввати тўлиқ модернизация қилинди.

Айни пайтда маҳаллий тасарруфдаги 32 та корхонада ҳам модернизация ва реконструкция ишлари жадал олиб борилди. Бунинг учун 16,3 миллион АҚШ доллари ва 26,3 миллиард сўм сармоя сарфланди. Натижада, Бекобод шаҳрида тикувчилик, Ангрен шаҳрида нон, Зангиота туманида қандолат маҳсулотлари, Оҳангарон туманида гипсокартон, Янгийўл туманида калава ип ишлаб чиқарувчи янги қувватлар барпо этилди. Шу тариқа 1024 киши муқим иш жойига эга бўлди.

**– Қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш жараёнлари қандай давом этмоқда?**

– Бугунги кунда 6064 та фермер хўжалиги 461,8 минг гектар, 643 минг 984 та деҳқон хўжалиги 66,8 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираяпти. Эндиликда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш барқарор тус олди. Беш йилда қайта ишлаш корхоналари 73 тага кўпайиб, 111 тага етди. Улар 151,5 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Янги технологияларни жорий этиш, замонавий ускуналарни ишга тушириш натижасида ўтган йили 108,7 минг тонна мева, 71 минг тонна узум, 92,5 минг тонна сабзавот маҳсулотлари, 41,1 минг тонна гўшт, 135,6 минг тонна сут қайта ишланди. Пойтахт аҳолиси қишин-ёзин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлана бошлади. Бунинг учун ўтган йили туманларда 43 та иссиқхона, 58 та балиқчилик, 34 та асаларичилик, 32 та қорамолчилик, 32 та паррандачилик хўжаликлари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини моддий-техник таъминлаш жадал тус олди. Сўнгги бир йилда фермер хўжаликлари ва машина-трактор парклари 233 та йиғим-терим комбайнлари, ҳайдов, чопиқ ва транспорт тракторлари сотиб олди. Фермер хўжаликлари бу йил 80 та комбайн ва юқори унумли ҳайдов тракторлари харид қилиш ҳаракатида.

**– 2012 йилда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга киришилганига икки ярим ой бўлаяпти. Дастлабки қадамлар ҳақида нималар дейиш мумкин?**

– Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида 2012 йили, аввало, изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Шундан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлиги саноат маҳсулотида маҳаллий корхоналар улушини кўпайтириш дастурини белгилаб олди. Бунинг учун етарли ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилаётир. Шу тариқа ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳар йили ўртача 30 фоиз кўпайтириш имкони яратилаяпти.

Шунингдек, "Спентекс Тошкент Тўйтепа" қўшма корхонаси, "Максам-Чирчиқ" ва "Оҳангароншифер" очиқ акциядорлик жамиятлари сингари ишлаб чиқариш пасайтириб юборилган 15 та корхонада биринчи чоракдаёқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини кўтариш имконини берувчи дастур амалга ошириляпти. Умуман, йил давомида 20 та шундай корхонада барқарор ўсиш режалари бажарилади. Бунинг учун, биринчидан, мақсадли кредитлар кўпайтирилиб, иккинчидан, ҳозиргача 4 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича буюртмалар расмийлаштирилди. Айни пайтда 161 та лойиҳа асосида янги қувватларни ишга тушириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Ҳозиргача 70 га яқин лойиҳа бўйича тармоқ жадваллари тасдиқланди. Қолган лойиҳалар ижроси ҳам доимий назоратда.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган тракторларнинг 47,6 фоизи эскирган. Бу йил 583 та янги техника харид қилиш кўзда тутилмоқда. Ҳозиргача МТПлар 90 дан ортиқ янги техника олди. Бу чора-тадбирлар 2012 йили 255 минг тонна пахта, 600 минг тонна ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун шарт-шароит яратади.

Қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш жараёнлари давом эттирилади. Шу мақсадлар учун 2 миллиард 500 миллион сўм маблағ ўзлаштирилади. Натижада лойиҳа қувватлари 3 минг тоннага тенг 7 та янги қайта ишлаш корхонаси ишга туширилади.

Умуман, ялпи маҳсулотни ўтган йилга нисбатан 9,5 фоизга кўпайтириш мақсад қилинган. Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш дастури асосида ўтган йилга нисбатан 2,6 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бир миллион долларлиги экспорт қилинади. Натижада саноат маҳсулотлари таркибида маҳаллий корхоналар улуши 30 фоизгача кўтарилади. Буни таъминлаш учун 161 та янги корхона ишга туширилади. Шу йўналишдаги дастурларни амалга оширишга 162 миллион доллар ва 118,5 миллиард сўм сармоя сарфланади.

– Кўриниб турибдики, вилоятимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари серқирра ва кўламли, – деди суҳбат пировардида Анвар Абдуқодиров. – Бу ҳар биримиздан, айниқса, шаҳар ва туман ҳокимликлари, барча хўжалик ташкилотларидан белгиланган дастурлар сўзсиз бажарилиши учун масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлашни, молиявий ва бошқа имкониятларни тўла ишга солишни талаб қилади. Вилоятимизнинг улкан салоҳияти, кадрларимизнинг бой тажрибаси бу вазифалар муваффақиятли уддаланишига ишонч бағишламоқда.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ДАВРА СУҲБАТИ




# ТАНЛОВ ОЛДИДАН

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўрта Чирчиқ туманида "Фермерлик ҳаракати – ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч" мавзусида ташкил этган давра суҳбатида фермерликка оид қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш масалалари хусусида фикр юритилди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, фермерлар, партия фаоллари давра суҳбатида Мустаҳкам оила йили режалари билан таништирилди. Партиянинг "Аёллар қаноти" махсус аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга доир энг яхши лойиҳаларнинг минтақавий танловини ўтказмоқчи. "Тадбиркор ва фермерлар – иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг мустаҳкам таянчи, мамлакатимиз узоқни кўзлаган мақсадларига эришишда ҳал қилувчи куч" мавзусида семинарлар ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, ечимини кутаётган камчиликларни бартараф этиш борасида фикрлашиб олишди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА

# ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛАДИГАН ОИЛА

*Қибрай тумани «Обод» маҳалласида яшовчи Усмоновларни шундай дейишади.*

Хонадон бекаси Камола тиниб-тинчимайдиган аёл. Юрган йўлида уйига, рўзғорига барака киритишни ўйлайди. Нима қилсаки, рўзғорида камлик сезмаса, дастурхони тўкин бўлса. Шунинг учун хонадонда ҳамма шароит бадастир.

Оиладагилар шахсий томорқадан қандай фойдаланишни билишади. Камола эса барча ишларда ўзи бошқош. Ҳовлидаги бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланишади. Томорқада уч сотихлик иссиқхона ташкил этилган. Унда лимон, помидор, бодринг ва турли кўчатлар етиштиришади. Бундан ташқари 12 бош қорамол ва 40 та товуқ боқишяпти.

– Даромад ёмон эмас, – дейди Камола. – Ҳар йили иссиқхонадан 2 тонна лимон оламиз. Мавсумга қараб помидор, бодринг ҳосили ҳам насибага яраша бўлади. Бундан ташқари ҳар куни сигирлардан соғиб олинаётган 50 литр сут, шунингдек, 25-30 та тухум рўзғоримизга ёрдам бўлаяпти.

Томорқадаги барча юмушларни фарзандларим, келинларим билан бирга бажарамиз. Ҳаракат қилсанг, ҳаёт тўкин бўлиб, орзу-ҳаваслар ҳам рўёбга чиқаверади. Меҳнатларимиз ортидан тўйлар қилаяпмиз, фарзандларимизга уйлар қураяпмиз.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**



**СУРАТДА:** Камоланинг фарзанди Раҳматилла Усмонов меҳнатлари самарсидан мамнун.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Мамлакатимизда ёшларнинг касб эгаллаши, билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ёшларнинг ижтимоий кафолатини таъминлаш ва улар истеъдодини камол топтириш мақсадида қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.**

# ЭРТАНИНГ ЭГАСИМИЗ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, истиқлол давомчилари бўлиб етишишлари учун ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатмоқда.

"Камолот" бизга миллий санъатимиз, маданиятимиз ва ўзбекнинг ўзлигини бутун дунёга танитиш имкониятини бермоқда. Бундай имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, қўлни-қўлга бериб, баҳамжиҳат ҳаракат қилишимиз зарур, шунда кўзлаган мақсадга, албатта, эришамиз.

**Хайрулла ҲАСАНОВ,**
**Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ талабаси.**

# АЖДОДЛАР МЕРОСИ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман халқ таълими ва "Паркент тонги" газетаси ҳамкорликда ўтказган "Аждодлар мероси – келажак пойдевори" кўрик-танловининг якуний босқичида 8 та жамоа қатнашди.**

31-мактабнинг "Бойқозон", 25-мактабнинг "Ўзбек ўғлонлари" жамоалари совринли ўринларни эгаллашди.

Барча шартларни фаол бажарган 40-мактабнинг "Истиқбол" жамоаси танлов ғолиби бўлиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловда фаол иштирок этган жамоалар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# МЕҲНАТДАН РОҲАТ ТОПДИМ

**Умр бўйи бировга зарари тегмай, одамларга эзгулик улашиб, ширин сўз ва меҳрини дариғ тутмай, кексайган одамлар юзида ўзгача бир нур бўлади. 70 ёшни қаршилаётган Озод отани кўрганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Маҳалладошлари "эл хизматида сочи оқарган" дея отага таъриф беришганида улар билан суҳбатлашгимиз, дилдаги гапларини билгимиз келди.**

– Шу кунгача нимага эришган бўлсам, барчаси далада ўтган кунлар, ҳалол меҳнат туфайли, – дейди Озод ота. – От изини той босар деганларидек, минг шукр, фарзандларим ишимни давом эттиряптилар. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, энг муҳими кўнгил хотиржам. Бундан бошқа яна нима керак биз кексаларга. Ўтган йиллар шуни ўргатдики, умр мисли оқар сув, у ёмонлик билан яшасанг ҳам, яхшилик билан яшасанг ҳам ўтади. Бироқ, ортга назар ташлаганингда, ўтган умрингга ачинмасанг, қилган ишларингдан пушаймон бўлмасанг, ўзингни янада бахтли сезар экансан.

Отанинг юз-кўзидаги шукроналик гапларига тасдиқ бўлди. Шириндан-шакар невaралар ардоғида кексалик гаштини сураётган ота ҳалигача қадрдон даладан кўнгил узолмайди. Ишини ўғли Рустам Акбаровга топширган бўлсада, тажрибаси, маслаҳати билан уни қўллаб туради.

– Деҳқончилик сирларини отамдан ўрганганман, – дейди "Озодҳожи Агрофайз" фермер хўжалиги раҳбари Рустам Акбаров. – Улар менга ердан унган гиёҳ тилини тушун, англа ва ҳис қил, деб уқтирганлар. Шундагина ер ҳам сен нима хоҳлаётганингни билади ва шунга қараб натижа беради, дейдилар. Бунга шоли етиштириш жараёнида кўп бор амин бўлдим.

"Озодҳожи Агрофайз" фермер хўжалигига Рустам Акбаров раҳбарлик қилаётганига кўп бўлмаган бўлсада, уни деҳқончиликда суяги қотган дейиш мумкин. Чунки, отасининг панд-насиҳатларию бебаҳо маслаҳатлари ўз ишининг устаси бўлишида асқотди.

– Ўтган йили 6 гектар майдонда ғалла етиштириб, шартномани бажардик, – деди Рустам Акбаров. – Олинган даромад эвазига фермер хўжалигимизнинг техника базасини яхшиладик.

Аслида ҳам деҳқоннинг обрўси ва нуфузи ерининг гектари билан эмас, балки ҳосилдорлик ва олган фойдаси билан белгиланади. Бу борада "Озодҳожи Агрофайз"нинг қўлга киритган ютуқлари талайгина. Хўжалик маҳалладаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак беради. 37-умумтаълим мактабини таъмирлаш жараёнида ҳам хўжаликнинг хизмати катта бўлди.

– Мустақиллигимизнинг ҳар куни янгиланишлар билан ўтаётгани қувонарли, – деди фермер. – Бугун ишлайман деганга имконият, шарт-шароит, ҳатто, имтиёз ҳам етарли. Қолгани эса ўзимизга боғлиқ. Бу йил биз ҳам фермерлар учун яратилаётган қулайликлардан фойдаланиб, ишни кенгайтириш учун қатор режалар туздик. Насиб қилса, шуларни амалга оширамиз.



Озод ота билан хайрлашар эканмиз, унинг нуроний чеҳрасига қараб, қалбимиздан шундай хаёллар ўтди: "Бир умр эзгулик ва меҳр улашган одам шунга ўрганиб қолар, янада кўпроқ яхшилик қилгиси, одамларга эш бўлгиси келар экан..."

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Озод ота Акбаров (ўнгда) уста шоликор Турсунхўжа Искандаров билан.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимларига танлов эълон қилади:**

| Т/р | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1. | Бекобод санъат коллежи | 735830, Бекобод шаҳри, Б. Зокиров кўчаси, 14-уй |
| 2. | Оҳангарон саноат касб-ҳунар коллежи | 702436, Оҳангарон шаҳри, 4-микрорайон, Навоий кучаси, 2-уй |
| 3. | Чиноз тумани Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи | 702852, Чиноз тумани, Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини, Ю. Каримов кўчаси, 36-уй |
| 4. | Янгийўл тиббиёт коллежи | 702805, Янгийўл шаҳри, Тошкент шоҳкўчаси, 56-уй |
| 5 | Бекобод тумани Техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи | Бекобод тумани, Чаноқ ҚФЙ, «Қорақўйли» маҳалласи |
| 6 | Бекобод шаҳар Енгил саноат ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи | Бекобод шаҳри, 14-даҳа, Ғафур Ғулом кўчаси |

**1.** Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишининг камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2010 йил 18 январдаги 89Қ/Қ, 01/ҚҚ ва 01/ҚҚ-қарори билан ўзгартириш киритиб тасдиқланган, 2010 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-2-сон билан рўйхатга олинган ва юқорида баён этилган малака талабларига жавоб бериши керак.

***2.*** *Танловда иштирок этиш ҳоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:*

***1.*** *Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;*
***2.*** *Туман (шаҳар) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);*
***3.*** *Таълим муассасаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);*
***4.*** *Сўровнома;*
***5.*** *Таржимаи ҳол;*
***6.*** *Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;*
***7.*** *Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);*
***8.*** *Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);*
***9.*** *3,5х4,5 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);*
***10.*** *Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режа (концепция)си;*
***11.*** *Ҳарбий гувоҳномасининг ксеронусхаси;*
***12.*** *Паспорт ва унинг ксеронусхаси (тураржойи билан);*
***13.*** *Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси;*
***14.*** *ИИБдан маълумотнома.*

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.**
**Мурожаат учун манзил: 700121, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 150-40-42, 150-52-18.**

## КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

**Қадимдан юртимизда ҳунарли кишилар эъзоз ва ҳурматда бўлишган. Одамлар ўз фарзандлари бирор ҳунарга эга бўлиши учун ҳаракат қилишган. Халқимизга хос бўлган шу эзгу мақсад истиқлол даврида кенг кўламда рўёбга чиқа бошлади. Буни биз янги қурилган ва қурилаётган юзлаб коллежлар мисолида кўриб турибмиз.**

# КОЛЛЕЖИМИЗ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ДОИМО ОЧИҚ

Ҳар бир коллежнинг ўзига хос йўналиши, мақоми, касб-ҳунар ўргатишдаги услублари бор. Ёшларимизни турли касб-ҳунарга ўргатишда муайян муваффақиятларга эришаётган коллежлардан бири Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежидир. Унинг ташкил топганига ўн бир йил бўлди. Шу давр ичида 4000 дан зиёд ўқувчи ёшлар касб-ҳунарга эга бўлишди.

Ҳозирги вақтда коллежда ҳуқуқшунослик, автотранспорт, молия, банк иши, компьютер жамламаси, нон-макарон ва қандолатчилик, бухгалтерия, тикувчилик ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида 1800 ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг яхши билим олишлари ва малакали касб-ҳунарга эгаси бўлишлари учун барча шароитлар яратилган. Яхши жиҳозланган синф хоналари, спорт заллари, футбол, қўл тўпи, баскетбол майдонлари, ошхона, ётоқхона, маънавият ва тиббиёт хоналари, 70 минг китоб жамғармасига эга кутубхона ва 1000 ўринли, катта саҳнага эга фаоллар зали ўқитувчи ва ўқувчилар ихтиёрида.

Ўқувчиларнинг чуқур билим олиш ва фикр доираларини кенгайтиришлари, ўзлари танлаган касб-ҳунарларни мукаммал эгаллашлари учун турли фан тўгараклари ишлаб турибди. Ўқувчилар спорт мусобақалари ва фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда мунтазам иштирок этишади. Маънавият бўлими билан гуруҳ мураббийлари ҳамкорликда байрамлар муносабати билан турли тадбирлар ўтказиб туришади.

Туман корхоналари билан коллеж ўртасида ўқувчиларни иш билан таъминлаш ҳамда амалиётларини ўтказиш мақсадида уч томонлама шартномалар тузилиб, ўқувчиларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш яхши йўлга қўйилган.

Ҳунар ва касб эгаллашни истовчи ўғил-қизларимиз учун коллеж эшиклари доимо очиқ.

**Ҳикматулла ТУЛИБОЕВ,**
**ўқитувчи.**

## САЛОМАТ БЎЛИНГ!

# ҚЎЗИҚОРИН МАЗАЛИ, АММО...

**Баҳор фаслида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ва офтобли кунлар билан алмашиб туриши туфайли ёввойи қўзиқоринларнинг кўпайиши учун қулай шароитлар вужудга келиши ҳаммамизга аён. Улар тоғлар, дала ҳовли, хиёбон, ариқ ва сой бўйларида, шунингдек, хонадон ҳовлиларида кўплаб учрайди.**

Қўзиқориннинг ёввойи турларини билмай туриб, улардан консервалар ва турли хил таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиш хавфли эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Вилоятимизнинг айрим шаҳар ва туманларида, жумладан, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка, Бекобод, Оҳангарон, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Паркент туманларида кўплаб учровчи қўзиқоринларнинг аксарияти заҳарли ҳисобланади. Айримлари истеъмол қилинадиган қўзиқоринларга жуда ўхшаш бўлади. Фақат мутахассисларгина фарқлашлари мумкин. Оқ қурбақасалла, мухомор, сариқ тана, кучала, шампиньонлар ва шайтонча каби қўзиқорин турлари маълум шароитларда заҳарли хусусиятларга эга бўлади. Улар ошқозон-ичак йўлидан қонга сўрилиб, асаб тизими, юрак қон-томир, буйрак, бош мия тўқималарини жиддий жароҳатлайди.

**Абдураҳмон ИСМОИЛОВ,**
**вилоят ДСЭНМ бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 ноябрдаги 11-1106/18148-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган "ANGRENNON" ОАЖ кредиторларнинг 2012 йил 6 мартдаги йиғилиш қарорига асосан тугатиш бошқарувчиси томонидан "ANGRENNON" ОАЖга тегишли Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Оҳангарон кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган "ANGRENNON" ОАЖга тегишли бино иншоотлари ҳамда қоп ишлаб чиқариш учун мўлжалланган 11 номдаги ускуналари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 315 135 214 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 9 апрель куни соат 12.00 да савдо ташкилотчиси – "КМСХ" МЧЖ жойлашган манзили (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй)да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Мазкур манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Суд бошқарувчиси томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш шакли ва муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 3 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар "КМСХ" МЧЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Тел.: 228-80-23, 228-84-48. Лицензия: RR-0001. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

## ОЛОВ ТИЛСИЗ ЁВ

# БЕПИСАНДЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ХУНУК

**Зангиота тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари саноат корхоналари, билим юртлари, мактаб, боғча ва маҳаллаларда ёнғиннинг олдини олиш учун режали текширувлар, фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар уюштириб, ўт балоси қандай офат эканлигини тушунтиришдан ташқари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга оид йўл-йўриқлар беришмоқда. Олов тилсиз ёв эканлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилмоқда.**

Шунингдек, газ ва электр тармоғи корхоналари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли тураржойларида рейдлар ўтказилмоқда. Ушбу жараёнда электр ва газдан ноқонуний фойдаланиш, ўзбошимчалик билан табиий газ ускунасини уй балконлари ҳамда бошқа жойларга ўрнатиш, резина шланг орқали улаш ҳолатлари аниқланиб, хонадон манбадан узилмоқда ва ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли идораларга топширилмоқда. Бу тадбирлар, доимий огоҳлантиришлар, тинимсиз тушунтиришлар ўз самарасини бермоқда.

Шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида туман ҳудудида жами 48 та ёнғин содир бўлиб, 2011 йилга нисбатан учтага, яъни 5,9 фоизга камайишига эришилди. Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг тураржойларида содир бўлган ёнғинлар бештага, яъни 10,5 фоизга камайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, содир бўлган ёнғинларнинг 38,5 фоизи печь ва газ қурилмалари носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидалари бузилиши, 26,1 фоизи электр мосламалари носозлиги ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларига амал қилмаслик, 8,5 фоизи оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлди.

Ёнғин ўз-ўзидан эмас, балки асосан фуқароларнинг лоқайдлиги, бепарволиги, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги натижасида келиб чиқмоқда. Агар бу ишга кенг жамоатчилик, маҳалла раислари ва аввалambор фуқароларнинг ўзлари ҳам диққат-эътиборни кучайтиришса, ёнғин янада камайган бўлар эди.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, энг муҳими, инсон ҳаётини ёнғиндан асраш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, давлат ёнғин назорати ходимларининг кўрсатма ва тавсияларини сўзсиз бажариш талаб этилади.

Шуни унутмаслик керакки, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осон.

**Абдуғани АВАЗОВ,**
**Зангиота тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи.**

# «OLMALIQ METALL KONSTRUKSIYA»

**масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида 24х90 ҳажмли резервуар металл конструкциялари ишлаб чиқариш цехи қурилиши бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Лойиҳани молиялаштириш – банк кредити.**
**Лойиҳани амалга ошириш муддати – бир йил.**

- айланма маблағ миқдори қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган маблағ банкдан тасдиқланган ҳужжат асосида;
- корхонанинг фуқаролик ҳуқуқи, иш фаолияти ва тажрибаси ҳақида маълумот;
- охирги уч йилда бош пудратчи вазифасида қилинган ишлар ҳақида маълумот;

**Манзил: Тошкент шаҳри, Абдуллаева кўчаси, 4-уй. "Пўлатқурилма" ОАЖ. Тел.: 254-14-22.**
**Манзил: Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-уй.**
**«Olmaliq Metall Konstruksiya» МЧЖ. Тел.: (8-595) 512-33-31.**

**Танлов ҳужжатлари тўпламининг баҳоси – 100 000 сўм.**

**Танловга аризалар 2012 йил 10 апрель соат 17.00 гача қабул қилинади.**

**Танлов таклифларининг очилиши 2012 йил 11 апрель куни соат 10.00 да Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-уй биносида бўлиб ўтади.**

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такроран аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 14.06.2011 йилдаги №10155/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 31 556 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, С. Дарбоза кўчаси, 202/2-уй, умум. фойдаланиш майдони 45,24 кв.м., яшаш майдони 29,13 кв.м., 2 хонадан иборат бўлган 9-хонадон (тураржой) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 30 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ нинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

Зангиота туманидаги "TOJ YALLO QURILISH MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI" МЧЖ таъсисчиларининг умумий йиғилиш мажлиси 2012 йил 14 март куни соат 10.00 да МЧЖ биносида ўтказилишини маълум қилади.

Мурожаат учун тел.: 321-25-38.

**«AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Аукцион савдосига Чилонзор туман СИБ томонидан 19.09.2011 йилдаги 306301-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Жар-Ариқли" жарима майдончасида сақланаётган 2003 йилда и/ч., дав. бел. 30 S 0410 бўлган "Мерседес-Бенц" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 61 731 446 сўм 40 тийин. 2. Чилонзор туман СИБ томонидан 10.10. 2011 йилдаги 32224-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган "Шарқли Мелиса жарима майдончаси"да сақланаётган 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 039 JA бўлган "Нехсия-донс" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 16 600 000 сўм. 3. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан 12.09.2011 йилдаги 15566/6-сонли ижро варақасига асосан хатланаган, Тошкент шаҳар ИИББ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 Е 456 НА бўлган "Нексия-сонс" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 18 223 261 сўм. 4. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан 05.12.2011 йилдаги 19645/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 10 Т 067 АА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 12 443 600 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 10 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 25 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида "Agrosanoat Mulk Markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган автотранспортлар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

## ЭЪЛОН!

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2012 йил 11 февралдаги 12-сонида эълон қилинган "Диққат, тендер! йўналишлари рўйхатига киритилган "ШИ-24 й.т. "Депо-5/2 кичик ноҳия" (Олмалиқ шаҳри) йўналишли такси йўналиши бўйича "Исузу" русумли автобуслар аҳолига транспорт хизмати кўрсатилаётганлиги сабабли, ушбу йўналиш бўйича очиқ тендер савдолари ўтказилмайди.

"Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо" МЧЖ (КТИАС) шуни маълум қиладики Юнусобод СИБ томонидан савдога қўйилган 2012 йил 8 февралдаги "Ташкентская правда" рўзномасининг 11-сонида эълонга берилган дав.бел. 01 М 665 СА бўлган "Нексия Донс 150" русумли автотранспорт воситаси савдодан олинди. Асос: Юнусобод СИБнинг 2012 йил 6 мартдаги 22800/15-сон хати.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Яккасарой тумани инспекцияси томонидан 2012 йил 6 мартдаги 006518-11 реестр рақами билан (ИНН 206195247) "ABSOLYUT PLAST" МЧЖнинг устав фонди 185 000 000 (бир юз саксон беш миллион) сўмдан 92 500 000 (тўқсон икки миллион беш юз минг) сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 472-82-36.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 29.07.2005 йилда 000720-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 200795081) "KINOSTUDIYA-INSON" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганини маълум қилади.

ООО "ATM PARTNERS", зарегистрированное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. У. Носира, 45, (ИНН 204511717) сообщает об уменьшении уставного фонда компании с 781 261 882 (семьсот восемьдесят один миллион двести шестьдесят одна тысяча восемьсот восемьдесят два) сумов до 739 961 882 (семьсот тридцать девять миллионов девятьсот шестьдесят одна тысяча восемьсот восемьдесят два) сум.

Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "FAVORIT SERVISE" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "FAVORIT SERVISE" масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

Даъволар 333-51-50 рақамли телефон орқали қабул қиланди.

Шайхонтоҳур туманидаги "FAZILAT LUKS" МЧЖнинг (ИНН 205368545) устав жамғармаси 878 895 000 (саккиз юз етмиш саккиз миллион саккиз юз тўқсон беш минг) сўмдан 681 395 000 (олти юз саксон бир миллион уч юз тўқсон беш минг) сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Даъволар бир ой давомида 743-05-04 рақамли телефон орқали қабул қиланди.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "ALLBEST SERVICE" МЧЖга божхона ҳужжатлари учун берилган № 4 ёрдамчи думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИИНАДИ.**

"QAXRAMON BIZNES SERVIS" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг

Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

НИГОҲ

# ҚУРОЛЛАНГАН, ЎТА ХАВФЛИ

**"Шуғнон тумани ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Навобод жамоатида яшовчи 58 ёшли С. Бодурбекни қўлга олдилар. Унинг қопидан 1989 йилда ишлаб чиқарилган Калашников автомати топилди".**

Бу – тожик матбуотининг хабари. Ундан сал олдинроқ босилган хабарда Тожикистон ички ишлар вазирлиги кўп миқдорда қурол-аслаҳа сақланган учта дафнани топиб олганлиги айтилган эди. Ўша манбанинг маълум қилишича, республика ички ишлар ходимлари Душанбедаги ахлатхоналарнинг биридан полиэтилен халта топишган. Ундан "Ф-1" русумли иккита қўл гранатаси, Калашников автоматининг иккита ўқдони ва 300 та ўқ, шунингдек, 30 миллиметр калибрли иккита жанговар снаряд чиққан. Душанбедан 90 километр жануброқдаги Бохтар тумани ҳудудида ҳам ов милтиғи, тўртта милтиқ найзаси, учта пилтали "Ф-1" қўл гранатаси ва бошқа қурол-аслаҳа жойланган полиэтилен халта топилди.

Буларни эшитиб, шундай тасаввур ҳосил бўладики, худди Ливиядагидек, Тожикистонда ҳам халқ қуролланаяпти ва баррикадаларга боришга тайёр гўё. Бу нафақат кулгили ёки қайғули ҳол, балки ушбу хабарларни эшитган соғлом фикрловчи ҳар қандай кишининг даҳшатга тушиши аниқ. Аксарият тожикистонликлар она юртларида ўзларини ноқулай ҳис этаётганлари шундандир балки. Зеро, уларнинг хотиржам яшашлари учун ҳеч қандай кафолат йўқ. Мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат шиори остида 20 йиллик мустақиллик даврида нафақат диктатура тартиби ва коррупциялашган бошқарув тизими, балки, жиноятчилик ҳаддан ташқари қутурган жамият барпо этилган кўринади.

"Қурол шунчаки, йўлда думалаб ётмайди" ибораси Тожикистон шароитида ўз мазмун-моҳиятини аллақачон йўқотиб бўлган. Ўрта Осиёнинг бу мамлакатида ҳеч қийинчиликсиз қурол сотиб олиш мумкин. Ҳуқуқ-тартибот органларидагилар ҳам буни билишади-ю, аммо, Афғонистон билан қўшниликни рўкач қилиб, бунга кўз юмишади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республика қуролли кучларидаги назоратсизлик ва бошбошдоқлик ҳам Тожикистонда кўплаб ўқ отиш қуроллари бемалол қўлдан-қўлга ўтиб юришига шароит яратмоқда. Исбот учун исталганча мисол келтириш мумкин. Тожикистон мудофаа вазирлигининг махсус гуруҳи Сўғд вилоятидаги ҳарбий қисмлар фаолиятини текширди. Гуруҳ аъзолари ҳарбий қисмларнинг бирида 4 та АКМ, 5 та ПМ ва 5300 та ўқ камлигини аниқладилар. Комиссия аъзоларининг айтишича, ўқ отиш қуролларини сақлаш ва фойдаланишда, айниқса, вилоятнинг Ашт ва Б. Ғафуров туманларидаги ҳарбий қисмларда ўта жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди.

Аммо булар фақат расмий қайд этилган маълумотлар. Яна қанча қурол эркинликда норасмий "ўйнаб" юрганикин? Масалан, Сўғд минтақавий бошқармасининг Истарафшон чегара отрядидаги аҳволни олайлик. "Дўсти" чегара соқчилари отряди ҳарбий хизматчилари Аҳмад ва Ғуфрон Сўғд вилояти Зафаробод тумани Дўсти шаҳарчаси аҳолисига 5,45 калибрли ўқларни сотиб олишни очиқдан-очиқ таклиф қилмоқдалар. Нархи – 1 сомоний ёки 20 цент. Сўғд вилояти Хўжанд шаҳрида эса, Калашников автомати билан қуролланган тергов казармаси (СИЗО) қочқини ушланди. Кейинчалик маълум бўлдики, у қуролни Сўғд минтақавий бошқарманинг Ашт чегара отряди "Тут" чегара соқчилари отрядининг ҳарбий хизматчиларидан биридан сотиб олган экан.

Президент Имомали Раҳмон имзо чеккан ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув тўғрисидаги фармонни, аввалгидек, ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам нохушлик билан кутиб олдилар. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ўқитувчи Нозим Нуриллаевнинг фикрича, армия бўлинмаларида муддатли ҳарбий хизматни ўташни истамасликнинг сабаби шуки, ҳарбий қисмларда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмайди. Бу аскарларнинг оч қолишларига, моддий-техник таъминотнинг издан чиқишига олиб келаяпти. Оқибатда, қуролларни сотиш ёки озиқ-овқатга алмаштириш ҳоллари учраб турибди. Хизматга янги сафарбар этилган аскарлар ҳарбий кийим-кечак ва керакли нарсаларни ўз ҳисобларидан сотиб олишига тўғри келади. Бундан ташқари, Тожикистон қуролли кучлари сафларида ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро уставга хилоф муносабатларнинг кенг тарқалгани, взвод ва қисм командирлари аскарларни ўз участкаларида эзиб ишлатишлари, шунингдек, ҳарбий хизмат даврида сурункали касалликларни орттириб олишлари ота-оналарни ўғилларини армия хизматига юбориш-юбормаслик масаласини атрофлича ўйлаб кўришга мажбур қилмоқда.

Мамлакатда қарор топган товар-бозор муносабатлари ҳам қуролларнинг эмин-эркин сотилишига сабаб бўлаяпти. Ҳозир кадрларни лавозимларга тайинлаш соҳасини ҳам ана шу "муносабат"лар тўла қамраб олган. Бу ҳол, айниқса, ҳуқуқ-тартибот ва хизмат идоралари, шунингдек, чегараларимиздаги тартибга жавоб берувчилар орасида яққол ва кучли тарзда намоён бўлмоқда. Бугун тожик-афғон чегараларида жойлашган Панж, Ишкашим ва Мурғоб чегара отрядларидаги застава бошлиғи лавозимини эгаллаш учун 200 минг АҚШ доллари тўлаш кифоя. Тўғри, бу оз маблағ эмас. Ҳамма чегарачи офицер ҳам бундан катта пулни бера олмайди. Аммо порахўрларнинг бахтига наркобаронлар бор. Улар Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси раҳбарларига 200 минг долларни тутқазиб, "иш"да синаб кўрилган ва вақт синовидан ўтган ўз одамларини ўша "керак"ли лавозимларга жойлаштирадилар. Тушунарлики, орадан бир қанча ой ўтиб, "киритган сармоя"ларини ортиғи билан қайтариб оладилар ва буёғига соф фойдага ишлайдилар. Табиийки, наркобаронлар ўзларининг "бизнес-ҳамкорлари" ёрдамида қуролланадилар.

Кейинги вақтларда айрим амалдорларнинг ўз қариндошларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат идораларидаги раҳбарлик лавозимларига жойлаштириш анъанаси қарор топди. Масалан, "Рохи охани Тожикистон" давлат унитар корхонаси бош директори Омонулло Ҳукуматуллонинг жияни, милиция полковниги Маҳамадназар Пиров Сўғд вилояти Матчо тумани ички ишлар бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди. Мажид Алиев эса, шу вилоятнинг Спитамен тумани ички ишлар бўлимига бошлиқ бўлди. Илгари у вилоят ички ишлар бошқармасининг 6-бўлимини бошқарган эди. Тожикистон ички ишлар вазирлиги раҳбарининг яқинларидан бири генерал-майор А. Қаҳҳоровга берган 50 минг доллар пораси эвазига энди бутун бошли бир туманнинг мутлақ хўжайини.

Бу – давлат маҳкамаларига ҳам аллақачон ўз вирусларини тарқатиб бўлган коррупция иллатининг қилмишларидан бир шингил. Шубҳа йўқки, юқорида тилга олинган шахслар "керакли" жойларга тайинланганларидан сўнг ушбу коррупциялашган машинанинг иш самарадорлиги геометрик прогрессия тарзида ошиб боради. Бу борада шуни унутмаслик керакки, ҳар бир бизнес қуролланган ва жуда хавфли.

Республика мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Тожикистон президентининг фармонига мувофиқ, 15 минг киши авф этилди. Тожик матбуоти ушбу амнистияни "олтин" деб атади ва унинг мустақиллик йилларидаги энг оммавий умумавф эканлигини таъкидлади. Бироқ, бугунги кун воқелиги шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма авф этилганлар ҳам тузалишга, тинч яшашга интилаётгани йўқ. Жиноятчиликнинг кескин кучайиб кетгани давлат раҳбарининг қарори шубҳали эканидан далолат бермоқда. Фақат расмий маълумотларнинг ўзи ўтган йилнинг 9 ойида 9300 та жиноят содир этилганини кўрсатди. Бу аввалги йилдагидан 2,5 баравар кўп. Чунончи, статистика маълумотларига қараганда, Сўғд вилоятида 2100 та оғир жиноят содир этилган. Уларнинг аксариятида ўқ отиш қуроллари ишлатилган.

Маълумки, АҚШ давлат департаменти Тожикистонни терророчиликка қарши ночор мамлакатлар рўйхатига киритган. Департаментнинг терророчиликка қарши кураш бошқармасининг 2010 йил 19 августда эълон қилинган йиллик маърузасида шу ҳақда сўз юритилган. Маърузани тайёрлаганларнинг таъкидлашларига қараганда, Душанбедаги тергов изоляторларидан оммавий қочиш, Қамароб дарасида ҳарбий хизматчилар колоннасига қилинган ҳужум, тожик чегарачилари билан афғонистонлик қуролли кучлар ўртасидаги жанговар тўқнашувлар Тожикистоннинг яхши ўқитиб-ўргатилган халқаро ва ички тўдалар қаршисида ожиз бир мамлакат эканлигидан далолат беради. Бироқ, республика раҳбарлари терроризмга қарши кураш ниқоби остида ўзларининг сиёсий мухолифатчиларини таъқиб қилмоқдалар.

Маърузани тайёрлаганлар шуни ҳам таъкидлашдики, Тожикистон ҳукуматининг экстремизм ва терроризмга қарши кўпгина чоралари фуқароларнинг эътиқод эркинлиги чекланишига сабаб бўлди. Натижада, ҳукумат экстремизм ва терророчиликни чеклаш эмас, балки исломга босим ўтказишга эришди.

Америка экспертлари бир нарсани, яъни Тожикистоннинг ожизлигига нафақат мамлакатда ҳокимият тузумини ўзгартиришни талаб қилаётган диний экстремистлар ва жиноятчи унсурлар, балки истаган одам хоҳлаган қурол ва ўқ-дориларни сотиб олиш имкониятига эга эканлиги ҳам сабаб бўлаётганини ҳисобга олмаганлар. Бундай ёндашувда "араб баҳори" вируси маҳаллий аҳолига бемалол юқиши мумкин. Лойқа сувда балиқ тутишни хоҳловчилар ҳам топилади, албатта. Ва, ўшанда такаббурлиги ва очкўзлиги ҳамда ўзи тузган диктаторлик тизими ўз бошига етган Каддафининг қисмати "мамлакат раҳбарлари" бошига ҳам тушмаслигига кафолат бўлмайди.

**Собитжон БАРОТОВ.**
**tajmigrant.com.**

ДЗЮДО



# КУЧЛИЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

**Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда Дзюдо федерацияси томонидан ўтказилган эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида беш юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.**

Уч кун давом этган чемпионат иштирокчилари орасида халқаро миқёсдаги мусобақаларда маҳорат кўрсатган спортчиларнинг кўплиги беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади. Кўплаб истеъдодли ёш дзюдочилар кашф этилди.

Эркаклар ўртасидаги энг қизғин беллашувлардан бири вазни 100 килограммдан юқори бўлган дзюдочиларнинг финал баҳсида кузатилди. Унда мамлакатимизнинг кўп карра чемпиони – самарқандлик Ўткир Саломов хоразмлик Болтабой Болтаев устидан зафар қучиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўзбекистон чемпионатида ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган пойтахтлик Шуҳрат Арслонов, Соиб Қурбонов, бухоролик Эркин Дониёров, Ҳамид Мўминов, самарқандлик Арсен Бабаян, хоразмлик Диёр Ўразбоев ҳам олтин медалга сазовор бўлди. Мутлақ вазн тоифасида Бутунжаҳон универсиадаси совриндори Шерали Жўраев ғолиб чиқиб, Тошкент шаҳри жамоаси ҳисобига яна бир олтин медални қўшди.

Хотин-қизлар беллашувларида андижонлик Дилдора Убайдуллаева, пойтахтлик Шоира Машарипова, самарқандлик Нодира Гулова, хоразмлик Гулноза Матниёзова олтин медалга сазовор бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри дзюдочилари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари вакиллари кучли учликдан жой олди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

КЎРГАЗМА

**Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида кетма-кет ижодкор аёл ва қизларнинг асарларидан тайёрланган "ижодий гулдаста" – "Баҳор вернисажи", унинг доирасида эса, таниқли рангтасвирчи рассом, педагог Галина Мордвинцеванинг шахсий кўргазмаси, Тошкент Фотосуратлар уйида педагог, рассом Шоирахон Қўзиеванинг "Ҳаётим ранглари ва гуллари" номли шахсий кўргазмаси, Ёшлар ижод саройида "Аёл қалбидаги гўзаллик" номли бадиий кўргазма тасвирий санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.**

# БАҲОР ВЕРНИСАЖИ

Кўргазмаларда таниқли рассом аёллар, шунингдек, истеъдодли ёшлар, иқтидорли талабаларнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик услубларидаги амалий-безак, фото, каштачилик, либос, дизайн, заргарлик асарлари ўрин олган. Уларнинг кўпида ҳиссиёт жўшқинлигини, нозик қалб эгаларининг ўзига хос санъат асарларида муҳаббат, меҳр, ҳижрон, қайғу, умид каби ҳис-туйғулар назокат ва нафосат ила акс этганини кўрамиз. Асарлар мавзусидаги янгиланиш фаслига монандлик, баҳорий кайфият, гўзаллик, софлик, муҳаббат, меҳр, инсонга хос ҳиссиётлар рамзи бўлмиш табиат манзаралари ва гуллар тасвири томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Шоирахон Қўзиева П. П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртини, кейинчалик, Тошкент театр рассомлик институтини тамомлаган. У портрет, натюрморт, сюжетли композиция, манзара каби жанрларда кўпгина асарлар яратган. Экспозицияга унинг 60 га яқин рангтасвир ва графика асарлари қўйилган. Бир қатор гулли натюрмортлар галереяси орасида дала гуллари, лола, гулсафсар, нилуфар каби бетакрор гўзал образларни кўрамиз. Табиат манзаралари акс этган, Чорвоқ билан боғлиқ бир неча асарлари ҳам экспозициядан ўрин олган.

Галина Мордвинцева ҳам П. П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти, сўнгра Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олган. Ўзи ўқиган билим юртида ўқувчиларга сабоқ бериб, кўплаб ижодий ишларда муваффақият қозонган. 1998 йили "Чимён кўринмоқда" номли манзарали асари учун Ўзбекистон Бадиий академиясининг дипломи билан тақдирланган. Кўргазмадаги асарлари орасидан Тошкент вилоятининг гўзал манзараларига бағишланган "Чимён. Қишлоқ ҳовлиси", "Бурчмулладаги кўприк", "Чимён нур сочмоқда", "Оқтош. "Тонгги соялар", "Бурчмулла йўли" ва шу йўналишдаги 20 дан ортиқ асарлари ҳам ўрин олган.

Рассомлар Г. Рустамбекова, Б. Сиддиқова, М. Каримованинг Ёшлар ижод саройига қўйилган, Оқтошнинг гўзал манзараларини акс эттирувчи, бир-бирини тўлдирган асарлари ҳам ихлосмандлар диққатини ўзига тортади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ОРТГА ҚАЙТМАС КАРВОНЛАР...



Умр карвонининг йўллари узун, пасту баланд, ўйдим-чуқур. Уни қандай босиб ўтиш эса, инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимдир оҳиста, чуқурликлардан эҳтиёт бўлиб ўтса, кимдир кўзлаган манзилига осонгина етиш, мақсадига эришиш ниятида орқа-олдига қарамай югураверади. Йўлидаги тўсиқлар, чуқурликлар туфайли пешонаси ғурра, жисму жони абгор бўлса-да, лаҳзалик ҳою-ҳавас учун умрини хазон қилади.

Олмалиқлик Мираъзам Тожибоев ҳам шундайлардан. Ярим асрлик умри деярли ҳаловатсизлик, сарсон-саргардонликда ўтганлиги уни ўйлантирмайди. Бунга ўрганиб қолган десак хато бўлар. У ҳам тинч-тотув, ҳузур-ҳаловатда яшашни орзу қилган бўлиши аниқ. Аммо орзунинг амалга ошиши учун нотўғри йўлни танлаганини энди тушуниб етган бўлса ажаб эмас.

Асл касби ҳайдовчи бўлган Мираъзам ишда қўнимсизлиги туфайли кўп бекор қолди. Ишлаганидан ишламаган йиллари, бекорчилик даври кўп бўлди. Табиийки, "еб ётганга тоғ ҳам чидамайди". Қарзлари кўпайиб кетгач, ҳали Навоий шаҳрига, ҳали Қозоғистонга бориб ишламоқчи бўлди. Аммо "ҳар ерни қилма орзу..." деганларидек, у ёқларда ҳам иши юришмади. Топган пуллари еб-ичишу йўлкирадан ортмади. Уст-боши бир аҳволда бўлгани учун ўз уйига ҳам боролмай, "Ўрикзор" бозорида 20 кун ишлаб, янги кийим-кечак олди. Шундан кейингина ўз шаҳри Олмалиққа келди.

– Қаерларда юрибсиз, – дея хавотир билан кутиб олди уни хотини. – Сизни ички ишлар ходимлари қидириб юришибди...

Мираъзам шундоқ ҳам ноқонуний йўллар билан чегарадан ўтаётганларида ҳадик ва хавотирдан абгор бўлган, аммо шайтон измидан чиқиш жуда мушкул эди. Лекин, ўз ихтиёри билан бормаса, келиб олиб кетишларини фаҳмлаган Мираъзам ички ишлар бўлимига ўзи кириб борди.

– Сиз 2009 йилдан буён қидирувдасиз, – дейишди унга. – Шу чоққача қаерда бўлганлигингизни айтинг!

Аввалига, ҳеч нарсага тушунмаган каби талмовсираётган жавобгар, эски таниши Николай Ярковнинг номини эшитгач, гиёҳванд моддаларнинг олди-соттиси билан шуғулланганлигини қисман тан олишга мажбур бўлди. Ҳа, Мираъзам 2009 йилда Ярковга 2 грамм нашани 40 мингга пуллагани, ўз навбатида Николай ҳам, нашанинг маълум қисмини Барот исмли шахсга сотиб, қолганини яшириб қўйганини айтишга мажбур бўлган эди.

Шундай қилиб, Мираъзам тақиқланган гиёҳванд моддаларни сотишда айбланиб, олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Энди унинг вояга етмаган фарзанди ҳам ота меҳрига зор бўлиб, олти йил кутади.

Умр заволи – гиёҳванд моддаларни сотиш ҳам, истеъмол қилиш ҳам жиноят эканлигини била туриб, шу ишга қўл урган, шайтоннинг йўриғидан чиқолмаган отанинг умр карвони ҳамон ортга қайтмас йўллардан кетиб бормоқда...

**Меҳри ИКРОМОВА.**


## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИМИЗНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари"га мувофиқ магистрал алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;

магистрал алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;

магистрал алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;

турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;

магистрал алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;

турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;

магистрал алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза худудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.**

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

**Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб алоқа кабелларини узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.**




Эсда тутинг! Агарда Сизда магистрал алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг ҳудудий Боғламаларига ёки магистрал алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган Кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**«Биринчи боғлама» ва линия кабель цехларининг боғланиш телефон рақамлари:**

**"Биринчи боғлама». Тошкент ш., Юнусобод тумани, Қозитарнов кўчаси, 29. Тел.:** (8-371) 234-20-11, 235-36-59, факс: (8-371) 234-20-11 (соат 8.00-17.00).

**Биринчн линия кабель цехи. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 264. Тел.:** (8-371) 265-80-43 (8.00-17.00), (8-595) 155-27-20.

**1-ЛКЦ Тошкент кабель участкаси. Тошкент ш., Яккасарой тумани, Хуштепа 4-тор кўчаси, 4. Тел.:** (8-371) 250-37-45 (8.00-17.00), (8-595) 199-19-34.

**Иккинчи линия кабель цехи. Тошкент вилояти, Янгийўл ш., Чарикова кўчаси, 172. Тел.:** (8-595) 199-19-31, 199-19-32, (8-370) 602-10-25.

**2-ЛКЦ Пахта кабель участкаси. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Сарсен кўчаси, 30.**
**Тел.:** 798-84-05, (8-595) 199-19-36.

**Учинчи линия кабель цехи. Тошкент вилояти, Тўйтепа ш., Спорт кўчаси, 45. Тел.:** (8-370) 762-11-21 (8.00-17.00), (8-593) 370-38-89.

**3-ЛКЦ Ангрен кабель участкаси. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, А. Темур кўчаси, 2. Тел.:** (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61 (8.00-17.00).

**3-ЛКЦ Бекобод кабель участкаси. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Ходжимуродов 2-берк кўча, 18-А. Тел.:** (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11 (8.00-17.00).



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 236-55-54. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Равшан ОМОНОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-342. Адади 15507. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12345